

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 5 март, № 46 (7826)

Жума

Сайтимида ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИХТ ДОИРАСИДАГИ КўП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 март куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) видеоанжуман шаклида ўтган 14-саммити ишида иштирок этди.



Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган раислигида ўтган тадбирда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти

Гурбангули Бердимухамедов, Эрон Президенти Хасан Руҳоний, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Покистон Бош вазири Имрон Хон, шунингдек, ИХТ бош котиби Ҳади

Сулаймонпур, минтақавий тузилмалар раҳбарлари ҳам иштирок этди. Саммит кун тартибига мувофиқ COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида амалий ҳамкорликни

кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти хулиди — бу тарихи, дини, маданияти ва қадриятлари муштарак, улкан салоҳиятга эга бўлган

минтақа эканини алоҳида таъкидлади. Пандемия шароитларида мамлакатларимиз иқтисодиётларининг кучли ва заиф томонлари яққол кўрингани қайд этилди. Ушбу хатар минтақа мамлакатлари бири-бирига ўзаро боғлиқ экани, савдо-иқти-

содий алоқаларни янада ривожлантириш зарурлигини очик-ойдин намоён этди. (Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ВИДЕОАНЖУМАН ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛГАН 14-САММИТИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам раис Режеп Таййип Эрдоган Жаноби Олийлари!

Хурматли Давлат ва Ҳукумат Раҳбарлари! Хурматли бош котиб Сулаймонпур Жаноблари!

Авваламбор, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Хурматли Президент Эрдоган Жанобларига пандемия шароитига қарамадан, ташкилотта самарали раислик қилгани ва анжумани юқори даражада ташкил этгани учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Пандемия даврида COVID-19 касаллигига қарши курашишда кўрсатилган салмоқли ёрдам учун турк дўстларимизга ва шахсан Эрдоган Жанобларига ўз миннатдорчилигини билдирмаман.

Бугун раислик навбати Туркменистонга ўтиши муносабати билан хурматли Президент Гурбангули Мўликмуҳамедовни чин дилдан табриқлайман.

Ва албатта, яхши ният қиламизки, навбатдаги Саммитда, Ашхобод шаҳрида кўришиш ҳаммамизга насиб қилсин.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти хулиди — бу тарихи, дини, маданияти ва қадриятлари муштарак, улкан имкониятларга эга бўлган умумий минтақадир.

Дўст давлатларимизни азалдан ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити, савдо ва транспорт-коммуникация алоқалари чамбарчас боғлаб туради. Бугунги саммитимиз "COVID-19 дан кейинги даврда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик" мавзусида ўтаётганда "чуқур маъно муҳасаса".

Чунки глобал иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатётган пандемия, давлатларимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу офат кучли ва заиф томонларимизни, бир-биримизга нақадар боғлиқ эканимизни, иқтисодий шерикликни янада мустақамлаш заруратини яққол кўрсатди. Дунёда технология ва ресурслар, сармоялар, ташқи бозорларга чиқиш учун рақобат кучайиб бораётган ҳозирги кунда, куч ва салоҳиятларимизни бирлаштириш, иқтисодиётларимизнинг тўлдирувчи омилларидан кенг фойдаланишимиз муҳимдир.

Аmmo шунинг айтиб ўтиш керакки, Ташкилотимиз хулиди мавжуд савдо-иқтисодий, молиявий, сармоявий, транспорт-логистика ва энергетика имкониятлари тўлиқ ишга солинмапти. Шу боис "Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — 2025" дастурининг асосий йўналишлари бўйича кўп томонлама шерикликни янада кенгайтириш мақсадида куйидаги тақлифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери — янги шубҳасиз, савдо ва инвестиция алоқаларини кучайтиришдир.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг аъзо давлатлар билан умумий савдо айланмаси салкам икки баробарга ўсди. Ўтган йили мураккаб вазиятга қарамадан, бу ҳажмларни сақлаб қолишга эришдик.

Биз, Ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан карантин даврида ўрнатилган савдо ва транспорт чекловларини бартараф этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Уйлайманки, рақамли технологиялар ва электрон тижоратни кенг жорий этиш савдо алоқаларимизни сезиларли равишда энгиллаштиради.

Шу маънода, Туркия илгари суратган Савдога кўмаклашиш бўйича битимни келишиш ва қабул қилишни тезлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, "Бир-бирини тўлдирувчи нуқталарни топиш" тамойили асосида саноат кооперациясини ривожлантириш халқароимизнинг умумий фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бу муҳим режани амалга ошириш учун аниқ йўналиш ва лойиҳаларни қамраб олган қўшма "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишни мақсадага мувофиқ, деб биламиз.

Учинчидан, аъзо давлатлар ўртасида маблағлар, товарлар ва хизматлар эркин айланишини таъминлаш, банклараро алоқаларни ва молиялаштиришни кенгайтириш долзарб масалалардир. Маскун вазибаларни амалга ошириш учун яқин ис-

тиқболда мамлакатларимиз банклари иштирокида халқаро Банк-молия Форумини ўтказишни тақлиф қиламиз. Тўртинчидан, минтақаларимизнинг транспорт йўлакларини кенгайтириш ва транзит салоҳиятини ошириш, ўзаро иқтисодий ҳамкорлигимизни янада жадаллаштиради.

Биз, Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон, Ўзбекистон — Қирғизистон — Ҳитой транспорт йўлакларини, шунингдек, Озарбайжон орқали Туркия ва Европа давлатларига чиқиш йўллари ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Шу билан бирга, янги тақлиф этилган Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўлининг қурилиши Афғонистонни кенг минтақаларимизга интеграция қилиш ва барқарор тараққиётни таъминлашда улкан аҳамият касб этади.

Бешинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ҲАО) билан биргаликда, Ташкилотимизнинг Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги янги Дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан, жорий йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар қишлоқ ҳўжалиги вазирларининг навбатдаги йиғилишини биз Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Олтинчидан, қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларига бой минтақамизда "яшил иқтисо-

диёт"ни ривожлантириш имкониятлари ниҳоятда каттадир. Энергетика барқарорлигини таъминлаш, соҳага инвестиция ва замонавий технологияларни кенг жалб этишга қаратилган Ўрта муддатли Стратегияни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни тақлиф этаман.

Еттинчидан, экология ва глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммолар оқибатларини минтақамизда, жумладан, Оролбўйи хулидида яққол сезяпмиз. Бу масалага ечим топиш бўйича барча сайёҳаракатларимизни ўзаро бирлаштириш лозим.

Бу йилда таъсирчан минтақавий ҳамкорликнинг аниқ механизмларини жорий этишни мақсадага мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Саккизинчидан, Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришимиз лозим. Ташкилот доирасида эпидемиологик вазиятнинг мониторинг қилиш ва тегишли чора-тадбирларни олдиндан режалаштириш тизимини амалиётга жорий этишни тақлиф қиламиз.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Сўзимнинг якунида яна бир алоҳида таъкидламоқчиман: Ҳеч шубҳасиз, истиқболда биргаликдаги сайёҳаракатлар орқали биз Ташкилот доирасидаги ҳамкорлигимизни янги ва юксак босқичга кўтаришга қодир бўламиз. Эътиборларингиз учун раҳмат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азият ва мўтабар аёл зотини улуғлаш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тугган ўрни ва нуфузини ошириш, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустақамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда юртимизда олиб борилаётган тўб ислохотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ аёллар фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Абдурахимова Фарида Юлдшева — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

Атаниязова Орал Аминовна — Қорақалпоғистон тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан

Усмонова Мунаввархон Абдухокимовна — «Саодат» журнали бош муҳаррири

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Ахмедова Фаридохон — меҳнат фахрийси, Наманган вилояти

Закирова Гавхар Акмаловна — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Ҳоджаева Раъно Умаровна — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси профессори

Ҳожиева Ойдин — Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Агзамходжаева Мунира Шарахматовна — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг «International House — Tashkent» академик лицейи математика фани ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 2021 — 2025 ЙИЛЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

Хусусан, охириги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтиларининг 1 270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий қафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг натижасида 20 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳўжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилинди, шунингдек, аҳоли билан очик мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари

хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларини ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди.

(Давоми 2-бетда).

## «Халқ сўзи» учун махсус

### Ўзбекистонга ташкилотнинг муҳим аъзоси сифатида катта аҳамият қаратамиз

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Бош котиби Ҳади Сулаймонпур «Дунё» ААҒа берган интервьюсида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ИХТ 14-саммитидаги нутқи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити Измир шартномаси (ИХТ устави)нинг 4-моддасига мувофиқ чақирилади, — деди халқаро ташкилот раҳбари. — Саммит

ларини ўрганиш, шунингдек, минтақанинг умумий манфаатларига жавоб берадиган минтақавий ва глобал масалалар юзасидан фикр алмашиш имкониятини беради.

Ташкилотнинг олий даражадаги сўнги учрашуви 2017 йил март ойда Исломободда бўлиб ўтган эди.

➡ 3

## Танлов

### Буюк ипак йўлида жойлашган университетлар талабалари ўртасида халқаро иншоолар танлови ўтказилади

Ўзбекистон Республикаси Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Ўзбекистон талабалар ассоциацияси жамоат бирлашмаси Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда «Европа ва Осиёнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлари хаби» мавзусида ўзбек, инглиз ва рус тилларида халқаро иншоолар танлови ўтказишни режалаштирди.

➡ 4

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

**Алламбергенова Гулнара Юсупбаевна** — Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси «Муҳаллес» дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

**Ахмедова Олмос Гафуровна** — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Гафур Фулом уй-музеи директори

**Джурбаева Саида** — Самарқанд шаҳридаги «Азиза» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти **Зиявидинова Муқадас Исамидиновна** — меҳнат фахрийси, Наманган вилояти

**Ибрагимова Насиба Исмаиловна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг faxрий диктори

**Икрамова Махбуба Латибовна** — Пахта селекцияси, уруччилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий-тажриба станцияси директорининг ўринбосари, Бухоро вилояти

**Кадирова Махбур Султановна** — Олмазор туманидаги «Аъло Омад Ривож» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Карамова Комила Зайдуллаевна** — Қашқадарё вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Кариева Мунира Джурбаевна** — Тошкент шаҳридаги «Jurabek Laboratories» қўшма корхонаси раҳбари

**Мақмамова Зулайхо Бахриддиновна** — Тўрақўрғон тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Обидинова Каромат** — меҳнат фахрийси, Фаргона вилояти **Полвонова Мархабо Расулжоновна** — Риштон туманидаги «Зар қулол Риштон» оилавий корхонаси раҳбари, Фаргона вилояти

**Расулова Муҳаб Юнусовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти бош илмий ходими

**Саломова Дилобат Очилевна** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи оператори, Тошкент вилояти

**Сатторов Ойжамол Шербабаетвна** — «Хунарманд» уюшмасининг Шахрисабз тумани бўлими аъзоси, миллий каштачи-хунарманд, Қашқадарё вилояти

**Тилабова Дилдор Холовна** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси участка кран машинисти, Навоий вилояти

**Тўйчиева Яркинои Мамазуловна** — «Хунарманд» уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси аъзоси, дўпдипўз-уста

**Хайитова Омонгул** — Дўстлик туманидаги «Улмас Зебинисо» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Шарипова Насиба Холидиновна** — Шеробод туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, пайвандчи, Сурхондарё вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаева Ойдин Утамурадовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

**Ганиева Малика Даникановна** — Сирдарё туманидаги «Эркатой» нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Досимбетова Тамара Жумабаевна** — Қорақалпоғистон мусулмонлари қозибети хотин-қизлар масалалари бўйича қози ёрдамчиси, бош отинойиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Иркулова Гулбоҳор Алтибаевна** — Ўзбек миллий маком санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги «Маком» ансамбли хонандаси

**Каренеева Нурсулу Сардаровна** — Томди туманидаги «Томдибулоқ» овул фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Каримова Мархабон** — меҳнат фахрийси, эркин ижодкор, шоира **Каримова Нигора Ганиевна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик институти кино ва телевидение бўлими мудири

**Ким Лариса Викторовна** — Навоий олимпия захиралари коллежининг спорт гимнастikasi бўйича бош мураббийи, Навоий вилояти

**Маннапова Мамураҳон** — Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ўсимликшунослик, соя ва мойли екнлар кафедраси доценти, Андижон вилояти

**Мардиева Дилдора Бахроновна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг «Madaniyat va ma’rifat» телеканални муҳарририят бош муҳаррири

**Мингбаева Муҳаббат Кахрамовна** — Термиз шаҳридаги «Хамидий» хусусий корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

**Мирзаева Насиба Муратовна** — Фаргона шаҳридаги «Баҳодир Логон Текстил» қўшма корхонаси тикув бўлими устаси, Фаргона вилояти

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2021 — 2025 ЙИЛЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Кўрилаётган чоралар натижасида сўнги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони **20,7 фоизга** ошди, шу жумладан, **187 та** йирик республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади.

Шу билан бирга, ушбу ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва урта мuddатли истикболларини белгилаб олиш зарур.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" ва "Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқланин.

2. Кўйидагилар Концепциянинг **устувор йўналишлари этиб белгилансин**:

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш;

фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш;

давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш;

фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очкилигини таъминлаш.

3. Кўйидагилар:
**2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини 2021 йилда амалга ошириш “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

**2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) Концепция ҳар **икки йилда Вазирлар Маҳкамаси** қарори билан алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси” орқали босқичма-босқич амалга ошириб борилади;

б) **Мақсадли кўрсаткичлар** кўйидагиларни назарда тутади: нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий бюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2021 йилда **камда 1,2 бараварга**, 2025 йилда **1,8 бараварга** ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларида 2021 йилда **16 миллиард сўм**, 2025 йилда **70 миллиард сўм** маблағлар ажратиш;

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзолари сонини жами фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонига нисбатан 2021 йилда **10 фоизга**, 2025 йилда **30 фоизга** етказиш;

ҳар бир давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари

**Мирсолиева Потима Мирабдуллаевна** — Поп туманидаги «Parfen» масъулияти чекланган жамиятнинг тайёрлов цехи устаси, Наманган вилояти

**Набиева Ирода Эркиновна** — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Даволаш-профилактика маркази бош шифокори

**Норметова Собура Воҳобовна** — Юнусобод туманидаги «Катта Ҳасанбой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Нурпелестова Гулнара Жўгинисовна** — эркин ижодкор, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пырина Людмила Михайловна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

**Раджабова Бурбия Тангировна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими

**Рахимова Дурдона Шуқруллаевна** — Тошкент шаҳар ҳаётининг ёшлар сибёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Рузиева Дилобод Турсуновна** — Нишон туманидаги «Нишон агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти

**Садикова Валида Назруллаевна** — меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Садикова Лола Ренатовна** — Геология ва геофизика институтининг геодинамика, геологик тузилиш ва жараёнларни моделлаштириш лабораторияси мудири

**Тимерғалина Нина Юрьевна** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси участка машинисти, Тошкент вилояти

**Турсунова Валида Данижкановна** — Тошкент шаҳридаги аҳолини қасб-хунарга қўқитишга иxtисослаштирилган «Мэри Поплин» масъулияти чекланган жамияти бош директори

**Ҳакимова Санталат** — меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Хусейнова Абира Амановна** — Бухоро давлат тиббиёт институтининг ижтимоий фанлар кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

**Шерназарова Зулхумор Жумаевна** — Қумқўрғон туманидаги «Ариқ ошган» фермер хўжалиги иш юритувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

**Эгамова Дилором Юсуповна** — Каттақўрғон шаҳар драма театри актрисаси, Самарқанд вилояти

**Элтаева Лола Суяновна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

**Юлдашева Одина Турғунпўлатовна** — Ўзбекистон туманидаги 65-иختисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб — интернатининг информатика фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Аминова Мехрибан Атахановна** — Хонқа туманидаги 48-иختисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Давляканова Вера Николаевна** — Пастдарғон туманидаги 12-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Котова Ирина Владимировна** — Бухоро шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактаби директори, Бухоро вилояти

**Мирзарахимова Халидихон Телмановна** — Андижон шаҳридаги «Мехримис сизга» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази директори, Андижон вилояти

**Мирзомуротовна Угулжон Бекмирзоевна** — Бекобод шаҳридаги «Sweet bubble» хусусий мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Тожиева Тўлкинои Абдухалиловна** — Бағдод тумани халқ таълими бўлими мудири, Фаргона вилояти

**Юнусова Гуландом Самиевна** — Бухоро муҳандислик-технология институтининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, Бухоро вилояти

### II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Бекатова Зумрад Раҳимбаевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

**Қаландарова Мухаббат Дурдибоевна** — Ургўт тумани тиббиёт бирлашмасининг Янгиарик оилавий шифокорлик пункти мудири, Самарқанд вилояти

**Матнӣбаева Мехрибон Отабоевна** — Янгиарик тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Хоразм вилояти

**Убайдуллаева Севара Абдуллаевна** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи

**Хасанова Лола Эмильевна** — Тошкент давлат стоматология институтининг малака ошириш факультети декани

**Ҳожиева Дилбар Юсуповна** — Ҳозғон шаҳри тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Навоий вилояти

**Шарипова Висолатхон Ҳамзаевна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг анестезиология ва реаниматология илмий-клиник бўлими раҳбари

### «Соғлом турмуш» медали билан

**Палванова Нигора Бекбергеновна** — Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ражабова Малика Хайитовна** — Қорақул туманидаги «Полвонлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**Солиева Феруза Қоҳромоновна** — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги «Сайилжой» академик лицейи директори, Жиззах вилояти

**Элмуродова Заррина Аслоновна** — Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси болалар невролог шифокори, Сирдарё вилояти

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Маткаримова Замира Абдушариповна** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хонқа туманидаги Халқ қабулхонаси мудири, Хоразм вилояти

**Мўйидинова Тоҳирaxon Дадаоновна** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қосоной туманидаги Халқ қабулхонаси мудири, Наманган вилояти

**Холматовна Лейля Валиевна** — Жиззах вилояти божхона бошқармасининг «Қўшкент» чегара божхона пости гуруҳ катта инспектор-суриштирувчиси

**Шокирова Дилрабо Хуббировна** — Янгиҳаёт тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 4-ички ишлар бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Ахмадова Шахноза Дилмуродовна** — Янгийўл шаҳридаги «New-Action Textile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

**Бекназарова Махлиёхон Иномжон қизи** — Ўзбекистон Республикаси Ешлар ишлари агентлигининг Бўстон тумани бўлими бошлиғи, Андижон вилояти

**Досанова Гулмира Сарсенбаевна** — Мўйноқ давлат ўрмон хўжалигининг хўжалик ишлари мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Каримова Шоирахон Собитжон қизи** — «3иё наш» масъулияти чекланган жамиятининг Фаргона филиали иш бошқарувчиси, Фаргона вилояти

**Мирсаидова Фотимахон Эралиевна** — Норин туманидаги «Mir City» қўшма корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

**Мороз Юлианна Романовна** — Тошкент шаҳридаги «Webmedia Information» масъулияти чекланган жамиятининг uz24.uz веб-нашри бош муҳаррири ўринбосари

**Тожимирзаева Гузалхон Баҳодир қизи** — Сирдарё туманидаги «Wang Da Group» қўшма корхонаси директори, Сирдарё вилояти

**Шокирова Гулрўхбону Бехзод қизи** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-босқич талабаси

**Юлдашева Шахло Шукратовна** — Урганч шаҳридаги «Sevinch Medical Center» хусусий клиникаси раҳбари, Хоразм вилояти

### «Шуҳрат» медали билан

**Бекмуратовна Венера Джолдасбаевна** — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бердиюрта Хуснара Жўрамурадovна** — Ховос тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Боймуратовна Гулсин Аликуловна** — Булунғур туманидаги «Урокли» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Жумаева Фарида Фармоновна** — «Навоийазот» акциядорлик жамияти винилхлорид ва поливинилхлорид ишлаб чиқариш цехи хамени муҳандиси, Навоий вилояти

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2021 йил 1 майдан 2021 йил 1 майдан

билан келишилгандан сўнг давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар **2 йилда** тасдиқланади;

жамоатчилик кенгашларининг умумий аъзолари сони **15 нафардан** кам бўлмаслиги зарур;

давлат органларининг **жамоатчилик билан алоқалар бўлими** (ёки ахборот хизмати) жамоатчилик кенгашларининг ишчи органи ҳисобланади, улар фаолиятини ташкилий-услубий ва ахборот жиҳатдан таъминлайди.

8. Ҳомийлик маблағларини марказлаштирилган ҳолда тўплаш ва тарқатиш, уларнинг мақсадли ҳамда манзилли йўналтирилишини мониторинг қилиш, ушбу жараёнларни тўлик автоматлаштириш ва ошқоралигини таъминлаш, шунингдек, хайрия этувчи ўз маблағининг ишлатилишини кузатиб бориш имконини берувчи **“Шаффоф хайрия” ягона интерактив портали 2021 йил 1 майдан** бошлаб ишга тушириلسин.

9. Белгилансинки, **“Шаффоф хайрия”** ягона интерактив портални ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бош вазир маслаҳатчиси — Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацияни фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи **О.М.Умаров** ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари **О.А.Пекос** **“Шаффоф хайрия”** ягона интерактив портални ўз вақтида ишга тушириш, “Ижтимоий хумоя ягона реестри” ахборот тизими билан интеграциялаш, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва киритиш юзасидан шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

10. 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фаргона вилоятлари ва Тошкент шаҳарида **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари”** ташкил этилаётганиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (**Қ.Сариев**), Андижон (**Ш.Абдурахмонов**), Қашқадарё (**З.Мирзаев**), Наманган (**Ш.Абдуразақов**), Сурхондарё (**Т.Боболов**), Тошкент (**Д.Ҳидоятгов**), Фаргона (**Х.Бозоров**) вилоятлари ва Тошкент шаҳар (**Ж.Артиқходжаев**) ҳокимликлари:

**“Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари”**ни фойдаланишга топширини, шунингдек, уларни зарур офис анжомлари, мебель, буюмлар, техника ва бошқа воситалар билан таъминласин; мазкур биноларга янги ташкил этилган, шунингдек, ижтимоий аҳамията эга бўлган соҳаларда ўз фаолиятини амалга ошираётган нодавлат нотижорат ташкилотларини текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИХТ ДОИРАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу билан бирга, ИХТга аъзо мамлакатларнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайпти, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти.

2025 йилга қадар даврга мўлжаллаб қабул қилинган ҳаракатлар дастури доирасида кўп томонлама шерикликни ривожлантириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

**Ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш** мақсадида карантин чора-тадбирлари доирасида ўрнатилган савдо, транспортга доир чеклов ва тўсиқларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди. Бундан ташқари, савдонин рақамлаштириш ва электрон тижоратни ривожлантириш борасидаги ечиларни кенг жорий этиш ҳамда савдо бўйича минтақавий битимни тез фурсатда қабул қилиш тақдир қилинди.

Ўзаро келишилган "Йўл харитаси" асосида мамлакатларимизнинг етакчи корхоналари ўртасида **саноат кооперациясини мустаҳкамлаш**

хам муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилди. Бу борадаги лойиҳаларни илгари суриш учун молиявий ҳамкорлик механизмларини кенгайтириш ҳамда мамлакатларимизнинг етакчи банк институтлари иштирокида минтақавий форум ўтказиш тақдир қилинди.

**Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик** стратегик муҳим устувор йўналиш этиб белгиланди. Мамлакатимиз Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Умон ва Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой транспорт йўлакларини, Туркия ва Европа мамлакатларига элтувчи маршрутларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Афғонистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграция қилиш мақсадида янги Мозори-Шариф — Қобул — Пешавор темир йўлини қуриш муҳим экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари қайд этган яна бир муҳим йўналиш — **озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш**.

Шу муносабат билан БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкиоти

билан биргаликда тегишли дастурни ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий йил мамлакатимизда ўтказилиши режалаштирилган ИХТ давлатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг навбатдаги учрашувида тақдим этиш тақдир қилинди.

**Энергетика** ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти соҳага, биринчи навбатда, қайта тикланувчи энергетикага илғор технологик ечилар ва инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ўрта мuddатли стратегияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

**Иқлим ўзгаришининг глобал оқибатларига қарши курашиш**да савб-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги, **соғлиқни сақлаш соҳасида**, шу жумладан, замонавий тахдид ва хатарларни мониторинг қилиш ва уларга қарши тезкор чора кўриш бўйича ҳамкорликни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия ташкилотага самарали раислик қилгани учун Президент Режеп Таййип Эрдоғанга миннатдорлик билдириб,

раислик Туркманистонга ўтгани муносабати билан Президент Гурбангули Бердимухамедовни табриклади ва унга муваффақиятлар тилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, айниқса, Евроосиё маконидаги минтақаларнинг иқтисодий ўзаро боғлиқлигини кучайтиришга қаратилган муҳим ташаббуслар ва аниқ тақдирлар **бирлашмага аъзо мамлакатлар етакчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди**.

ИХТга аъзо мамлакатлар етакчилари ўз нутқларида минтақада ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига, савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт ва коммуникациялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа устувор йўналишларда қўша лойиҳаларни илгари суришининг истикболларига тўхталди. Ташкилотнинг навбатдаги, 15-саммитини Туркманистонда ўтказиш юзасидан келишувга эришилди.

Ў.А.

## Куйи палатада

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ МАСЪУЛИЯТИ ВА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куйи кена бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама этилди. Асосий эътибор тўғрисидаги амал қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаётимиздаги таъсирчанлигини ошириш, бу борада аниқ механизмлар ва ҳуқуқий кафолатларни қўллаш масалаларига қаратилди.

### Ноширлик фаолиятида хабардор этиш тизими жорий қилинади

"Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамада таъкидланганидек, амалдаги қонун бундан чорак аср аввал — 1996 йилда қабул қилинган. Кейинги глобаллашув жараёнида замонавий илғор тажрибаларни барча соҳа қатори ноширлик соҳасига ҳам таъбиқ этишни тақозо қилмоқда.

Қонун лойиҳасида ноширлик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асослари, ушбу тизимнинг аниқ субъектлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартиби бекор қилиниши ортидан ўрнатилган янги хабардор этиш тизими жорий қилиниши белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан бир қатор асосий тушунчалар киритилди. Ноширлик фаолиятининг субъектлари сифатида наشريётдан ташқари, ишлаб чиқарувчи, бюромчи, тарқатувчи кабиларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари лойиҳада ўз аксини топмоқда. Бундан ташқари, инвестиция ва халқаро ҳамкорлик масалалари ҳам белгиланган.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилиниши ва Сенатга юборилганидан бўлди.

### Миллий гвардиядан ички ишлар органларига қандай вазифалар ўтказилмоқда?

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Икрамов маъруза қилди.

Қайд этилишича, қонун лойиҳасида амалдаги қонунлардаги мавжуд тушунчаларни, қурол турлари ва уларнинг ҳуқуқий маънини "Қурол тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштириш, қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш вазифаларини Миллий гвардиядан ички ишлар органларига ҳуқуқий жиҳатдан ўтказилиши таъминлаш назарда тутилмоқда.

Лойиҳани тайёрлашда Россия, Беларусь, Қозғоғистон, Украина, Озарбайжон, Молдова, Латвия, Грузия ва бошқа бир қатор давлатларнинг қурол муомаласи соҳасидаги хорижий тажриба ўрганиб қилинган ҳамда мамлакатимиз қонунчилигига мос келадиган нормалар қисман инобатга олинган.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши қурол эгаларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари тўлиқ тарзда рўйга чиқарилишига, уларнинг қурол муомаласи соҳасида тартиб-қоидалар риоя этилиши бўйича масъулият оширилишига, шунингдек, уларни бузганлик учун жавобгарлиги аниқ белгиланишига хизмат қилади. Қолаверса, қурол муомаласи соҳасидаги қонунчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий асослари яратилишига, соҳани давлат томонидан тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш механизми тақомиллаштирилишига зарур шароит яратилади.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### Ахборотлаштириш бўйича киритилаётган айрим бандлар чиқарилди

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишда депутатлар ушбу ҳужжат қўшимчаларида, фракцияларда, қолаверса, соҳа мухасасислари, жамоатчилик ўртасида қизғин, конструктив муҳокама қилинганлини алоҳида эътироф этди.

Жиноят ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутиб қонун лойиҳаси "Миллий тикланиш" ДП ҳамда "Адолат" СДП фракциялари ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ҳамда шу йил 15 февраль кунин Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган.

Лойиҳа фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларни киритишдаги масъулиятини оширишга, шу билан бирга, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ижтимоий тармоқларда журналистлар, блогерлар томонидан бу бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Лойиҳани тақомиллаштиришда депутатларнинг асосли тақлифлари, шунингдек, кенг жамоатчилик фикрлари инобатга олинди. Натيجад тақлиф этилаётган моддалар бўйича 3 та тузатиш ва 4 та қисқартиш амалга оширилди.

Жумладан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунга киритилиши қўйилган айрим бандлар мақсадга мувофиқлигига қўра, чиқариб ташланди ва тахририй жиҳатдан ўзгартирилди. Хусусан, фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини уларнинг розилигисиз жойлаштиришга йўл қўймаслиги, референдум тўғрисидаги ва сайлов ҳақидаги қонунчиликда назарда тутилган чекловларга риоя этиши, ўз веб-сайтида ёки веб-саноҳасида Интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг домен номлари тизимида изоҳ беришни шарт қилган маълумотни идентификацияловчи ноёб манзил тўғрисидаги маълумотларни акс эттириши шартлиги оид бандлар чиқарилди.

Сўзга чиққанлар ахборот ва сўз эркинлиги масъулияти ҳақида фикр билдириб, бу борада зарур шарт-шароит яратилаётганини қайд этди. Айни чоғда, соҳадagi қонунчиликни тақомиллаштириши фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниши ва Сенатга юборилганидан бўлди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

# Ўзбекистонга ташкилотнинг муҳим аъзоси сифатида катта аҳамият қаратамиз

Бирок пандемия сабабли ИХТнинг 14-саммити Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон раҳбарлигида виртуал форматда ташкил этилди.

Ушбу саммитда ИХТ минтақасидаги барча 10 та давлат раҳбарлари қатнашди. Онлайн-анкумарда Ўзбекистоннинг олий даражада иштирок этиши ИХТ учун жуда муҳим воқеа ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон бугун ушбу минтақавий иқтисодий ташкилотнинг фаол аъзоларидан бирига айланди.

ИХТ ҳам ташкилотнинг муҳим аъзоси сифатида Ўзбекистонга катта аҳамият қаратади. Ўзбекистонда денгизга бевосита чиқиш йўли бўлмасда-да, мамлакат ривожланган инсон ресурслари, улкан саноат,



қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик салоҳиятига эга. Дунёда майдон жихатидан 56-ўринда, аҳоли сони бўйича 42-ўринда туради.

Ўзбекистоннинг ИХТга аъзо давлатлар билан умумий товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда бир ярим бараварга ошди.

Муҳим географик жойлашуви, аҳолиси, янги ички маҳсулот, минтақа ичидаги савдо ҳажми, ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон

ИХТнинг бутун минтақамиз фаровонлиги ва тараққиёти йўлидаги серқирра фаолиятида муҳим роль ўйнайди.

Ахборот ва технологиялар, савдо ва инвестициялар, таъқиқ бозорларга чиқиш бўйича глобал рақобатда эътибор қаратган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев ИХТ минбаридан жуда муҳим гоё ва ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбари ИХТ саммитидаги нутқида асосий минтақавий муаммолар ва имкониятлар, шунингдек, белгиланган вазифаларни ҳал этишда ИХТнинг ўрни тўғрисида чуқур тушунасча, билими ва тажрибасини намойиш этди.

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар ташкилот ва ташкилотимизга аъзо ҳар бир давлат учун долзарбдир.

Тариф ва тарифсиз тўсиқлар-

ни бартараф этиш ҳамда ИХТга аъзо давлатларнинг савдо ва ташқи савдо вазирларининг 6-йилгилини Тошкентда ўтказиш орқали савдо ва сармоҳиявий алоқаларни мустаҳкамлаш, қўша саноат кластерлари барпо этиш ҳамда тармоқ қўшимча қиймат минтақавий занжирларини яратиш бўйича "Йўл харитаси"ни қабул қилиш юзасидан тақдирлар эътиборга моликдир.

Транзит транспорт коридорлари ва минтақамиз транзит имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиб, тегишли халқаро ташкилотлар билан биргаликда озик-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳамкорликни кучайтириш долзарблиги билан ажралиб турибди.

Туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш, бой минтақавий маданият ва тарихий меросга асосланган умумий сайёҳлик платформасини яратиш, уни Хива шаҳрида ИХТ минтақаси туризм вазирларининг 4-йилгили пайтида ишлаб чиқиш, ИХТ фаолиятига ёшларни жалб қилиш учун Тошкентда Халқаро ёшлар форумини ўтказиш ташаббуслари аъзо давлатлар вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

ИХТ қотибияти Ўзбекистоннинг юқоридagi тақдир ва ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаши.

Биз, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг минтақамизни янада изчил ривожлантириш учун ИХТ фаолиятида фаол иштирокни қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолаймиз.

«Дунё» АА. Техрон

## Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон ташаббуслари:

# ЮРИДИК ФАН ВА АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда юридик соҳадаги илмий ҳамда таълим муассасалари, вилоятлардаги юридик факультетлар профессор-ўқитувчилари, экспертлар ва амалиётчилар иштирокида ана шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида шу йил 1 январдан ўз вазифаларини бажаришга киришди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси юқори даражадаги сегмент ишида Президентимиз кенгашига аъзо давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этиб, сўзга чиқди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Давлат ва ҳуқуқ институти вакиллари бугунги кунда Президентимиз нутқи нафақат халқаро ҳамжамият ҳамда кенг жамоатчилик, балки экспертлар томонидан ҳам қизгин муҳокама қилинаётганига эътибор қаратди.

### Давра суҳбати

Муҳбиримиз давра суҳбати иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини билан қизикди.

**Акмал САЙДОВ,** Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик:



— Президентимиз ушбу нуфузли минбарда туриб қилган нутқида мамлакатимизда демократия ўзгаришларини янада чуқурлаштириш ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ҳақида атрофлича тўхтади.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг охириги йилларда мамлакатимизда халқ фаровонлигини таъминлаш, уни ҳаётдан рози қилиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш бора-борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш сиёсатини янги босқичда давом эттириши таъкидланди.

Охириги йилларда юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида амалга оширилаётган камровдор ишлар самаралари аққол мисол бўла олади.

Миллий стратегия мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг тақомиллаштириш ва инсон ҳуқуқлари маданияти-

ни шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқлари масаласига тизимли ёндашиш ва мавжуд бўлишларини, камчиликларни бартараф этиш очик-ойдин кўрсатилган.

Иккинчидан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принциплар ва нормаларини қатъий ҳимоя қилиши ва фаол илгари суриши кўрсатиб ўтилди.

Ушбу нутқни кунт билан ўрганилса, унда 19 та глобал, минтақавий ва миллий даражада бажарилиши лозим бўлган, инсон ҳуқуқларига оид, ўта долзарб масалалар белгиланган. Парламент, ҳукумат, суд ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари билан бир қаторда мамлакатимиз юридик соҳа вакиллари олдига турган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим вазифалар, жумладан, таълим, оид судлов, қийноқлар бўйича яна бир бор аниқлаштирилди.

**Мурод ТУРҒУНОВ,** Давлат ва ҳуқуқ институти директори:

— Президентимиз нутқидан келиб чиқиб, юридик фан олдига турган айрим вазифаларни кўрсатиб ўтиш зарур.

Биринчи вазифа. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар илмий тадқиқотлар мавзуслари доирасини янада кенгайтирди. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадқиқотларда асосий ургу универсал даражадаги, яъни БМТ доирасидаги ҳамкорликка берилган.

Эндиги тадқиқотларимизда минтақавий ҳамкорликка, айниқса, инсон ҳуқуқлари бўйича Осие минтақавий тизимини шакллантириш, имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўйга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаши тузиш каби мавзугарга эътибор қаратиш зарур.

Иккинчи вазифа. Давлатимиз раҳбари нутқидаги энг асосий гоғлардан бири — алоҳида эътиборга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш.

Бу, ўз навбатида, ушбу аҳоли қат-



лами ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар, ногиронлиги борлар ва бошқа тоифалар бўйича илмий изланишларни янада фаоллаштиришни талаб этади.

Учинчи вазифа. Ўзбекистоннинг Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Қийноқларга қарши конвенцияга доир Факультатив протокола қўйилиши масаласи қўйилди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиямизда ҳам Ўзбекистоннинг 10 дан зиёд халқаро ҳужжатларга қўйилиши (кириши) масаласи белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳужжатларга оид тадқиқотларни олиб боришни, хусусан, уларнинг миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизга бўлган таъсирини ўрганишни тақозо этади.

Туртинчи вазифа. Бугунги глобал рақамли трансформация даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига оид тадқиқотларни олиб бориш зарур.

Бешинчи вазифа. Юртбошимиз нодавлат ахборот ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқиши таъкидланди. Яъни биз барча соҳада қонунларимизни кодификациялаш йўлидан боришимиз белгилаб берилди. Бу ҳам, ўз навбатида, фундаментал ва амалий тадқиқотларни мутлақо янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

**Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,** Термиз давлат университетининг юридик факультети декани, профессор:

— Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар юридик



таълим олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўяди. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича методик ёрдам кўрсатувчи ҳамда ресурс марказлари вазифини бажарувчи "инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маърифат уйлари"ни ташкил этиш, таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари ва бола ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини самарали ташкиллаштириш, тегишли ўқув ва методик қўлланмаларни тайёрлаш каби долзарб вазифалар турибди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида онлайн курслар ташкил этилган. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида бу борадаги ҳаракатларни янада кучайтириш лозим, яъни АКТ, ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш керак. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида, шунингдек, "Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ" мутахассислиги бўйича қўша магистратура йўналишини (консорциум) жорий этиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

**Жўрабой ТОШҚУЛОВ,** Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, профессор:

— Юридик амалиёт олдига турган вазифаларни ҳам белгилаб олишни бугунги даврнинг ўзи талаб этапти. Хусусан, тадқиқотлар нати-



жалари қонунчиликни тақомиллаштириш орқали, албатта, амалиётга хизмат қилиши лозим ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси миллий тизимини янада кучайтиришга шароит яратиб бериши шарт.

Тадқиқотлар доирасида илмий асосланган тақдирлар ишлаб чиқиб, миллий юридик амалий тизимни жаҳон стандартларига мослаштириб бориш керак. Бу жаҳон индексларидаги позицияларимизга ижобий таъсир кўрсатиб, халқаро майдондаги

имижимиз кучайишига хизмат қилади.

Шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистон раҳбари ташаббусларининг кўп қисми айнан ёшлар муаммоларига бағишланди. БМТ шафеллигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конференция лойиҳасини тақдим қилиш, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини тасвир этиш масаласини кўриб чиқиш учун тақдим қилиш шулар жумласидандир.

